



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2010 йил 3 МАЙ, ДУШАНБА

XXI садо си

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 84 (11.645)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармаси ва ЮНЕСКО ташаббуси билан «Орол денгизи экологик фожеаси ва унинг болаларга таъсири» мавзусида семинар ташкил этилди. Унда минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштириш ва болаларни экотасирлардан ҳимоялаш масалалари муҳокама қилинди.

● Наманган туманидаги Шербулоқ қишлоғида тадбиркорлар савдо-ҳаракати билан шифо ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳа қиймати 300 миллион сўмлик мазкур корхонада айни пайтда маҳаллий хом ашёдан ойига 65 минг донагача сифатли қурилиш материали тайёрланмоқда. Янги корхонанинг ишга тушиши муносабати билан асосан ёшлардан 30 киши муқим иш ўрнига эга бўлди.

● Андижон вилояти Хўжаобод туманида 20 та дўконни ўз ичига олган замонавий савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Харидорлар ҳамда сотувчилар учун барча шароитлар яратилган ушбу савдо марказида асосан пластик карточкалар орқали савдо-сотик амалга оширилмоқда. Мажмуанинг фойдаланишга топширилиши билан 30 нафарга яқин киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

● Гулистонда Сирдарё вилоят бадий гимнастика федерацияси тузилди. Бундан асосий мақсад вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида тўғрақлар очиб, ушбу жозибали спорт турини ривожлантиришдир.

● Самарқанд туманида 50 ўринга мўлжалланган янги шифохона фаолият бошлади. Ушбу шифо масканида ҳар ойда 200 киши муолажа олиши мумкин. Бу ерда 50дан зиёд тиббий ходими мижозларга малакали хизмат кўрсатади. Шифохонада нафақат дори-дармон, балки худуддан чиққан маъданли сувдан ҳам фойдаланилади.

ЖАҲОНДА

● Кеча АҚШ Президенти Барак Обама жорий йилнинг 20 апрелида Мексика кўрғазидидаги нефть қазиб олиш платформасидаги портлаш оқибатида нефтнинг сувни ифлослаш даражасини баҳолаш ва мазкур экологик офатга барҳам бериш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Луизиана штатига келди. Шу кунларда сув юзасидаги кенг қўламдаги нефть доғи табиатга катта зарар етказган ҳолда Флорида ва Алабама штатларига яқинлашмоқда. Б.Обама ушбу йирик экологик фалокатнинг юзага келишига «Бритиш Петролеум» компанияси жавобгар эканлигини таъкидлади.

● Кеча Бельгиянинг Брюссель шаҳрида еврохудуд молия вазирларининг шешилини учрашувида Греция иқтисодий тини ўнглаш учун 2012 йилга қадар ЕИ ва Халқаро валюта жамғармаси томонидан 110 миллиардлик маблағ ажратилишига келиши олинди. Бироқ бу халқаро ёрдам ҳисобига Греция ҳукумати мамлакатда кескин тежамкорлик режасини амалга ошириши лозим бўлади.

● Кеча Миср пойтахти Коҳира шаҳрида 1984 йилдан буён ўзгармай келаётган энг кам маош миқдорини оширишни талаб қилган ҳолда норозилик намойиши бўлиб ўтди.

● Россиянинг бир неча минтақасида кучли сув тошқинлари давом этмоқда. Жумладан, Иркутск вилоятида бир неча шифоқларни бутунлай сув босди. Томск области ва Красноярск ўлкасида ҳам аҳвол бирмунча мураккаб. Мутахассислар об-ҳавонинг аста-секин яхшиланишини таъкидламоқдалар.

● Австралиянинг Жанубий Уэлс ва Виктория минтақаларига кўп сонли чигиртка галаларининг бостириб келиши оқибатида бу йилги ҳосил хавф остида қолди. Расмий маълумотларга кўра, чигирткаларнинг ҳужуми жорий йил октябр ойида йиғиб олинган қулган буғдой ҳосилини кескин камайитириб юбориши мумкин. Бугунги кунгача чигирткалар 10 минг гектарга яқин ердаги буғдой ва арпани еб битирган.

● Испаниянинг «Виктория» номли ҳарбий кемаси Сомали қирғоқларидаги денгиз қароқчиларига қаршилик кемапар портини йўқ қилган. Таъкидлаш кераки, ушбу худудда кемаларга босқинчилик ҳужумлари жорий йилда ҳам давом этмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида сомалилик денгиз қароқчилари томонидан 11 та кемага ҳужум уюштирилиб, 194 нафар денгизчи гаровга олинган.

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 апрель куни Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси арафасида Оқсаройда ОТБ президенти Харухико Куродани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, мамлакатимиз билан кўп йиллардан буён яқин ҳамкорлик қилиб келаётган ОТБ ҳақли равишда энг нуфузли ва етакчи халқаро молия муассасаларидан бири эканини таъкидлади. Банкининг Ўзбекистон билан изчил амалга ошириб келаётган ҳамкорлик стратегияси бунинг тасдиғидир.

— Осиё тараққиёт банкининг навбатдаги мажлисига мезбон сифатида Тошкент танлангани учун Сизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Бундай нуфузли халқаро анжуманининг Тошкентда ўтказилиши мамлакатимиз учун катта шараф, айни пайтда тарихий воқеадир. Осиё тараққиёт банки бошқарувчиларининг кейинги мажлисларида умумий қиймати 1 миллиард 140 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган тўрт йиллик сармоявий лойиҳа маъқулланди. Бу лойиҳалар транспорт-коммуникация инфратузилмаси ва ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш, коммунал хўжаликни ривожлантириш, Толлимаржон ИЭСида буғ-газ қурилмаси барпо этиш, шунингдек, мамлакатимиз тижорат банклари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби муҳим йўналишларни қамраб олади, — деди Президентимиз Ислам Каримов.

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда иқтисодийнинг устувор тармоқларида йирик лойиҳаларни амалга оширишда. Улар стратегик ва муҳим аҳамиятга молик соҳаларни ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимизда иқтисодийнинг ислоҳ этиш ва эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асоси ва қулай сармоявий муҳит яратилгани туфайли ОТБ мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилган бу лойиҳалар муваффақиятли ижро этилмоқда.

ОТБнинг 43-йиллик мажлиси шу кунларда Тошкент шаҳрида ўз ишینی бошлади ва Марказий Осиё минтақасида бундай юксак даражадаги илк форум ҳамда ривожланишнинг «Ўзбек модели» самарадорлиги халқаро миқёсда эътироф этилганидан яна бир далolat бўлади. 2-4 май кунлари АСЕАН+3 мамлакатлари молия вазирларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтади. Унда ОТБнинг «Стратегия – 2020» дастурини, шунингдек, глобал молиявий тизимни ислоҳ этиш, Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги ва инкироздан кейинги ривожланиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш кўзда тутилган.

Халқаро молия муассасалари, жумладан, ОТБ етакчи эксперт

ва мутахассисларининг эътирофи таъкидлаш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодийнинг ҳозирги ривожланиш даражаси глобал инкироз шароитида асосий иқтисодий кўрсаткичлар ва иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги билан кўпларга ўрнак бўлади.

Харухико Курода таъкидлаганидек, Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари ишончли тарзда таъминланган санокли давлатлардан бири бўлди. Унинг фикрича, «Ўзбек модели» муваффақиятининг асоси яна шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ҳозирги шароитда фақат ташқи қарзларга таянмасдан, иқтисодий фаол диверсификация қилиш ҳамда бой минерал, ишлаб чиқариш-саноат, қишлоқ хўжалиги ресурсларидан ва энг муҳими, инсоннинг юксак интеллектуал салоҳиятидан оқилона фойдаланиш чораларини кўрди.

ОТБ президенти Х.Курода самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ОТБ иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг турли соҳаларида Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришдан фойда манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 апрель куни Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Филипп Ле Уэйруни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, мамлакатимиз иқтисодийнинг устувор соҳалари бўйича ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар стратегик аҳамиятга эга эканини, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик қўламини изчил кенгайтириш тараққиотини таъкидлади.

— Осиё тараққиёт банкининг Тошкентда ўтказилган йиллик мажлисида Жаҳон банки вакилларининг иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банки ўртасидаги муносабатлар юксак даражада ривожланиётганини яна бир бор тасдиқлайди, — деди Ислам Каримов.

ОТБнинг шу кунларда иш бошлайдиган 43-йиллик мажлисида Жаҳон банки ва қатор бошқа хорижий банк-молия муассасаларидан нуфузли делегациялар иштирок этаётгани диққатга сазовордир. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган инкирозга қарши чоралар дастури ва иқтисодий ислохотлар «Ўзбек модели» самарадорлигининг яна бир тасдиғидир.

Ушбу нуфузли халқаро молия муассасаси билан ҳамкорликда иқтисодийнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада йиғирмага яқин лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Улар орасида айниқса, аграр секторда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш, коммунал хўжалик соҳасини модернизация қилиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

Оқсаройдаги учрашувда Филипп Ле Уэйру самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида иқтисодийнинг асосий кўрсаткичлари ва ўсиш суръатини барқарор сақлаб қолган давлат сифатида ўрнак бўлаётган Ўзбекистонда бундай нуфузли халқаро форумнинг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Меҳмон ОТБнинг ушбу мажлиси Ўзбекистоннинг юксак сармоявий жозибадорлигидан далolat эканини, мамлакатни модернизация қилиш йўналишлари тўғрилигининг яна бир тасдиғи бўлишини қайд этди.

Мулоқот чоғида кўшма лойиҳалар ижросига, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Сўз — анжуман иштирокчиларига ЎЗБЕКИСТОНДА ОТБ АНЖУМАНИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛГАН

Жорий йилнинг 1-4 май кунлари Тошкентда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтмоқда. ЎЗА мухбирлари ушбу мажлис иштирокчилари ва меҳмонларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.

чилик корпорацияси мамлакатимизда қўшма корхона очиб, бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани бунинг далилидир. Ўзбек пахтаси оқори сифати, пишқилиги билан ажралиб туради. Шу боис пахтаингизнинг жаҳон бозоридидаги мавқеи йил сайин ошиб бормоқда.

Мэрлин МОСЕС хоним, Наурунинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидидаги доимий вакили ва элчиси:

— Глобал иқтисодий бўҳрон даврида бундай нуфузли анжуманининг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузи тобора ошиб бораётганининг далилидир. Осиё тараққиёт банкидек нуфузли молия муассасасининг йиллик мажлиси қатор глобал молиявий масалаларни атрофлича муҳокама қилиш ва ҳал этиш чораларини кўриш учун қулай имкониятдир.

Мамлакатимизда иқтисодийнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар билан танишиб, чин дилдан ҳайратландим. Ўзбекистон мустақиллигини кўлга киритганига атиги 19 йил бўлганига қарамай, ҳар соҳада хавас қилса арзиғулик ютуқларни кўлга киритибди. 2009 йилда — глобал молиявий-иқтисодий бўҳрон даврида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани эришилаётган бундай ютуқларнинг ёрқин тасдиғидир. Бу мамлакатингиз йўлбошчиси Ислам Каримов юритаётган оқилона сиёсатнинг амалдаги ифодасидир.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, мамлакатингизда замонавий техника ва технология, ўқув жиҳозлари, спорт мажмуалари билан таъминланган қатор таълим муассасаларини қўриб, ёшларнинг пухта таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор берилётгани, улар учун барча зарур шароит яратилганига амин бўлдим.

Ханс-Жуergen СПРИНГЕР, Осиё тараққиёт банкининг Истеъфодаги ходимлари уюшмаси ижроси котиби (Филиппин):

— Ушбу мажлисда иштирок этиш менга Ўзбекистонни кўриш, бу ерда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиш, халқингиз билан мулоқотда бўлиш имконини бераётганидан жуда хурсандман. Мамлакатимизда ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисини ўтказиш учун қўрилган кенг қўламда тайёргарлик ишлари тахсинга лойик. Ўзбекистонга илк ташрифим жуда мазмунли ўтмоқда. Амир Темур дунёга танитган Самарқандни, шунингдек, Бухоро ва Хива шаҳарларини кўриш кўп йиллик ордуним эди. Ордуним амалга ошириб, ушбу қадимий шаҳарларни, уларнинг тарихий обидаларини ва меъморий ёдгорликларини зиёрат қилиш имкони туғилганидан жуда бахтиёрман.

ЎЗА мухбирлари Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **СОБИР** Раҳимов туманидаги «Истиқлол» маҳалласида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга ба-

ғишлаб уюштирилган тадбирда ёшлар ва 19-оилавий поликлиника шифокорлари иштирок этди.

✓ **СЕРГЕЛИ** тумани ҳокимлигида фаоллар иштирокида ёшларни иш билан таъминлаш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида санъат ихлосмандлари эътиборига ёшлар ижросидаги миллий кўшиқлар дастури хавола этилди.

Айниқса, айна пайтада бутун дунёни камраб олган моливий-иктисодий инқироз даврида ҳам давлатимиз раҳбарининг узокни кўзлаб чуқур ўйланган сиёсатининг изчил татбиқ этилаётгани натижаси ўлароқ республикамизда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг барқарор таъминланишига эришилаётир.

Албатта, ушбу жараёнларда турли соҳа вакиллари фаоллик билан қатнашмоқда. Қилинаётган ишлар, эришилаётган марралар, олдинда турган галдаги вазифалар фаровон турмушимиз, порлоқ келажгимиз йўлидаги саъй-ҳаракатлар экан, бунга ҳамма алоқадорлик ҳисси билан ёндошмоғи лозим.

Жойларда шу кунларда бўлиб ўтаётган кўплаб тадбирларда Президентимизнинг «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» ва «Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» мавзуларидаги маърузаларидан келиб чиққан ҳолда кайд этилган шарҳлар асосий ўрин олмоқда.

— Боиси, — таъкидлаб ўтди, жумладан, Мирзо Улуғбек тумани фаоллари иштирокида уюштирилган галдаги давра суҳбатда Маънавий тарғибот маркази шахар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниев, — мустақиллигимизнинг илк кунларидан «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига амал қилган ҳолда одимлаб бораётган эканмиз, барчамиз инсон манфаати таъминланишига йўналтирилган кучли ҳуқуқий давлат ва жамият қурилишида бевосита ва фаол иштирок этмоғимиз

Бугунги кунда барча жабҳаларда ислохотлар изчил давом эттирилаётганини гувоҳимиз. Шунинг ҳам англаб етмоғимиз лозимки, буларнинг бари ижтимоий-иктисодий, сиёсий соҳалардаги кўплаб вазифаларнинг ижобий ечим топиши баробарида, энг муҳими, жамиятнинг, ҳаммамизнинг ҳаётимиз янада юксалишига хизмат қилаётир.

даркор. Ҳаётда фаол, барча нарсдан бохабар бўлишни бугунги шиддатли давр тақозо этмоқда.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзо-

ят кўрсатмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий илмий-тектириш институтлари ҳам шу туманда жойлашган. Бунга ургу бериб ўтган Жаҳон иқти-

жамият олдида турган вазифаларни амалга оширишда ёшларнинг ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар нафақат мутасадди тузилмалар зиммасидаги масъулият, балки уни бевосита ёш авлод вакиллари ҳам аъло ўқиш, хизмат жабҳаларида фаол бўлиш, билим-илм кўникмаларини ошириб бориш, янгилликларга интилувчан, дунёқараши, тафаккури кенг инсон бўлиб шаклланишга ҳаракат қилишдек бурч дея қабул қилмоғи лозим. Фарзандларимиз учун яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлар хусусида ҳам фикрлар алмашилди. Бунда жамоатчиликнинг, айниқса маҳалланинг ўзгача ўрни борлиги, мактаблар қошида тузилган «Оталар кенгаши» ҳам «ўз ўрнини» намойиш этиши лозимлиги кайд этилди.

Тадбир якунида ҳокимлик тузилмалари мутасаддилари, депутатлар, ҳар бир жабҳадаги раҳбарлар жойларда тарғибот ишларига бош бўлиши, аҳоли билан учрашувлар давомида ислохотлар жараёнлари билан кенг таништириб бориши лозимлиги, бундай хайрли ишлар эса авваломбор жамоатчиликнинг фаоллигини оширишга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ФАОЛЛИК ДЕМАҚДИР

си Акмал Ақромов, Қонунчилик палатаси депутати Маҳаммадjon Турсунов парламент палаталари фаолиятига қисқача изоҳ бериб, шу кунларда бир қатор янги қонунлар устида иш олиб борилаётгани билан ўртоқлашди. Бу борада жамоатчиликнинг иштироки маҳаллий Кенгашлардан сайланган Сенат аъзолари томонидан қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳам ахборот бериб ўтилди.

Мирзо Улуғбек тумани — пойтахтнинг ҳам йирик саноат, ҳам интеллектуал салоҳияти кенг туман ҳисобланади. Туманда республика иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган «Дойче-кабель», «Ўзқабель», «Тошкент трактор заводи» каби кўплаб корхоналар фаоли-

содиёти ва дипломатияси университетини иқтисодий назария кафедраси мудири Георгий Тонянц амалиёт ва назарияни мужассам этишда икки томонлама салоҳиятдан оқилона фойдаланиш лозимлиги ҳақида фикр юритди. Мавзу кейинги уч йил ичида ўз самарали натижаларини бераётган республика инновацион гоғлар ва технологиялар кўргазмаси мисолида ёритиб берилди. Мамлакатимиз банк-молия тизимидаги ислохотлар, банкларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифалари юзасидан назарий, аммо амалиётга татбиқ этишга тайёр ечимлар хусусида ҳам мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати давомида давлат ва

Иқтисодиёт СИФАТЛИ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Аҳоли дастурхонига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда қандолатчиларнинг ҳам ўзига хос ўрни борки, улар тайёрлаётган ширинликлар сифати ва қадоқланиши билан харидорларни мамнун этмоқда.

«Волшебный мир сладостей» масъулияти чекланган жамиятида ҳозирги кунда 30 хилдаги торт ва бошқа ширинликлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, талаблар даражасида қадоқланаётган маҳсулотлар буюртма асосида суперпермаркет ва савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

— Бундан икки йил аввал тўрт қандолатчи билан иш бошлаган бўлсак, — дейди корхона директори Фотима Турсунжўзева, — ҳозирда уларнинг сафи 12 нафарга етди. Барчаси ўз соҳасини мукаммал эгаллаган, ижодий изланиб меҳнат қиладиган ходимлар саналади. Маҳсулотларимиз турли кун сайин ортиб, аҳоли дастурхонига фойз бағишлагча, харидорлар талаб ва эҳтиёжини қондиришга муваффақ бўлялмиш. Яқинда Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг Юнусобод тумани босқичида маҳсулотларимиз намойиши алоҳида эътирофга сазовор бўлди.

Қандолат усталари замонавий технологиялардан омиқкорлик билан фойдаланмоқдаки, бу ширинликлар рақобатбардошлигини таъминлайпти. Айниқса тантаналар учун буюртма асосида тайёрланаётган тортлар сифати, таъми ва ўзига хос дизайни билан барчага манзур бўляпти. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида корхонанинг фирма дўкони ҳам ташкил этилган.

ДОРИ-ДАРМОНЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда тадбиркорликка очилган кенг йўл кичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодиётдаги улуши йил сайин ошиб боришига хизмат қилаётир.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳоли салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳисса қўиш мақсадида дори-дармон воситалари ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

«Само» кичик корхонаси мустақилликнинг илк йилларида ташкил топган бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги лицензияси асосида дори воситалари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Корхонада йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётганини шундан ҳам сезиш мумкинки, ҳозирда йиллик айланма маблағ ҳажми 1 миллиард 15 миллион сўмни ташкил этади.

Корхона саккиз ишчи билан фаолият бошлаган бўлса, ҳозирги пайтда 50 нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йилнинг иккинчи ярмида корхонада умумий лойиҳа қуввати 2,3 миллиард сўм бўлган ампула дори ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводни фойдаланишга топшириш белгиланган бўлиб, бу яна 120 нафар ишчи ўрни яратиш имконини беради. Энг муҳими ҳозирги пайтда чет давлатлардан валюта эвазига келтирилаётган ампула дори воситалари ўрнини босувчи, улардан бирмунча арзон маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шунинг баробарида маҳсулотнинг 20-30 фоизини четга экспорт қилиш режаси ҳам бор. Ҳиндистоннинг иккита компанияси билан экспорт шартномалари имзоланган бунга далолатдир. Келгусида ампула дори воситалари Хитой ва Россияга экспорт қилинади.

ШАРҚ АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА

Уста хунармандларнинг миллий қадриятларимиз эъзози саналган бетакрор маҳсулотлари, санъат даражасидаги буюмлари нафақат халқимиз меҳрини қозонмоқда, балки миллий хунармандчилигимиз доврғини оламга ёймоқда.

Мансур Курязов ҳам ўз хунари билан эътиборга сазовор бўлаётган усталар сирасига қиради. Миллий кўғирчоқ театри ва кўғирчоқозлик санъати аъналарини қайта тиклашга бел боғлаган хунарманд шарқона кўғирчоқлар, қадимий афсона ва эртак қаҳрамонлари, бошқа кўплаб кўғирчоқлар тайёрлайди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, тарихимиз ва миллий аъналаримизни чуқур ўрганган уста ҳамшира ижодий изланишда эканлигини яратган маҳсулотлари ёрқин исботлаб туради. Мансурнинг кўғирчоқлари амалий санъат намунаси сифатида Ўзбекистон амалий санъати музейида, Япония, Франция, Бельгия давлатларидаги музейларда ҳам қўйилган ва кўплаб мамлакатларда ўтказилган халқ ижодиёти фестиваллари ва кўргазмаларида юксак баҳога сазовор бўлган.

Уста ўз ишини давом эттиришни мақсад қилган ҳолда 20 нафардан ортиқ шоғирд этиштирди. Улар ҳозирда устози йўл-йўриқ ва тавсиялари асосида ишламоқда. Хунарманд айна пайтда маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда арзон нархларда миллий кўғирчоқ ва ўйинчоқлар тайёрлаш устида изланишларини давом эттирмоқда. Албатта, бундай кўғирчоқлар болажонларимизни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Устанинг асл мақсади ҳам ана шу — шарқона аъналаримизни фарзандларимизга болаликдан сингдиришдир.

Шарофат БАХРОМОВА

Қарор ва ижро

СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ: ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалда ўзининг юксак самараларини бераётган Инқирозга қарши чоралар дастурида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу корхоналарнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини бераётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори айна шу мақсадга хизмат қилмоқда.

— Мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини оширишда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди «Ўзстандарт» агентлиги мувофиқлини тасдиқлаш соҳасида техникавий сиёсат ва сифат тизимларини жорий этиш бошқармаси бошлиги Шухрат ҚОДИРОВ. — Зеро, ҳар қандай корхонанинг рақобатбардошлиги, биринчи навбатда, маҳсулот сифатига қараб белгиланади. Сифат бошқаруви тизимида амалга ошириладиган янги бозор механизми сифатли маҳсулот тайёрлашнинг таъминлайди ва ўзаро шартномаларнинг тўлиқ бажарилишида истеъмолчилар ишончини янада оширади.

Мазкур қарор асосида мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар юксак самаралар бермоқда. Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш ва уларни ўз вақтида сертификатлаштириш ишлари олиб бориламоқда.

Шу ўринда сифат менежменти, уни корхонага жорий этишда бериладиган мувофиқлик сертификати ва маҳсулот мувофиқлик сертификати ўртасидаги фарқ ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Сифат менежменти тизими — ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида амалга ошириладиган ишларнинг сифатли, бениҳсон ва ортиқча харажатларсиз бажа-

ришга йўналтирилган тизимдир. Унинг бирор-бир корхонада жорий этилиши тегишли тартибда сертификатлаш тақозо қилади. Бу маҳсулот намунасини танлаш ва синаш, шунингдек, корхонада ишлаётган ходимларнинг иш сифатини текшириш натижасида берилади ва айнан шу ҳужжат корхонада хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнлар сифатини таъминлаш тизими мавжудлигини тасдиқлайди. Маҳсулотнинг мувофиқлик сертификати эса унинг муайян стандарт талабларига мослигини тасдиқлайдиган ҳужжатдир. Бунда маҳсулотнинг сифати маҳсулот лабораторияда синаш орқали аниқланади.

Сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида юртимизда бугунги кун талаб қилаётган стандартларни жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Республикада сифат менежменти тизимлари сертификатлаштирилган корхоналарнинг сони 250 га яқинлашди. Бошқача айтганда, кейинги беш йил ичида сифат тизимини жорий қилган корхоналар сони 4,3 баравар кўпайди. Сифат тизими сертификатлаштирилган корхоналарнинг аксарияти асосан машинасозлик, нефть ва газ тармоқларига тўғри келади. Бу борада Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари корхоналари етакчи ўринда. Эътиборлики, Ўзбекистонда сертификатлаштирилган корхоналар сонининг ўзгариши кўплаб давлатлар билан солиштирилганда энг юқори ўсиш суръатига эга.

Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш тизимлари муваффақиятли жорий этилиши, албатта, соҳада малакали мутахассислар фаолиятини талаб қилади. Бу борада кадрлар тайёрлаш Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. 2003-2004 йилларда Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат аграр университетида жами тўрт юзга яқин мутахассис тайёрланди. Иқтисодиётимиз ўсишининг бугунги кўламини ҳисобга олиб,


ҳозир бошқа олий ўқув юртиларида ҳам қўшимча кадрлар тайёрлаш чоралари кўрилмоқда.

Сифат тизимини ишлаб чиқиш, жорий этилиши, сертификатлаштириш, шунингдек, мутахассисларни бевосита жойларда ўқитишни ташкил этиш мақсадида миллий экспорт-аудиторлар тайёрланмоқда. Ҳозиргача уларнинг 32 нафари Давлат реестрига киритилди. Уларнинг аксарияти хорижда ҳам тан олинмадиган халқаро даражадаги экспертлар ҳисобланади. Сифат тизимларига сертификат беришни такомиллаштириш мақсадида 19 идора Миллий тизимда рўйхатдан ўтган.

Соҳа мутахассисларининг амалда самарали фаолият юритишида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид меъёрий ҳужжатлар ва синов ўтказиш базаси алоҳида ўрин тутди. Шу боис улар мунтазам такомиллаштирилмоқда. Синов базасини модернизация қилиш билан бирга ўтказиладиган синовлар оптималлаштирилмоқда. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннаҳини пайсатиришга кенг йўл очмоқда. Озиқ-овқат ва косметика воситаларини халқаро синов услублари ва стандартлари талаблари асосида синовдан ўтказувчи кимёбиология лабораторияси, спорт анжумалари, жиҳозлари ва ускуналарини синовдан ўтказувчи замонавий синов лабораторияси ташкил этилди. Синов базаси йигирмадан ортиқ энг сўнгги русумдаги синов жиҳозлари билан таъминланди. Минтақамиз давлатларида аниқлик даражаси энг юқори бўлган масса ва суюқлик сарфи ҳамда миқдори миллий бошланғич эталон ишга туширилди.

Амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар сифатли маҳсулот ва хизматлар бозори, юртимиз экспорт салоҳияти ва умуман иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда экспорт ҳажмининг 22,1 фоиз ўсгани бунинг далилидир.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШЛАРГА ЭЪТИБОРИ ЭРОН МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Эроннинг инглиз тилида нашр этиладиган оммавий нашрларидан бири «Tebran Times» газетасида Ўзбекистонга бағишланган мақола эълон қилинди.

«Tebran Times» ўқувчилар эътиборини Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини ривожлантириш, замонавий технологияларни ўзлаштиришга йўналтирилган ички сиёсатга қаратади.

Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузи ошиб бораётгани ҳақида сўз юртаркан, нашр Тошкентда бўлиб ўтадиган икки йи-

рик халқаро тадбир — Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарларининг учрашуви ва Осиё Тараққиёт банки Бошқарув кенгашининг 43-йиллик йилгишига тўхталади.

Газета Ўзбекистонда жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинишига алоҳида ургу беради. Унда шунингдек, мамлакат раҳбарияти томонидан соғлом, энг замонавий билимлар-

«Жаҳон» АА

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидеда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Баркамол авлодни шакллантириш — маънавий юксалиш омили» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, олий таълим тизими раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари И.Саифназаров, Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф. Мухамедов ва бошқалар ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, пухта таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, касб-хунар эгаллаши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш масаласи давлатимиз раҳбари Ислон Каримов юритаётган сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Бу борада қабул қилинган қонун, фармон ва дастурлар ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, улар маънавиятини юксалтиришда муҳим ҳуқуқий

асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Миллий университетидеда жамиятимиз ҳаётининг кўплаб жабҳалари учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш баробарида аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича шаклланган илмий мактабларни ривожлантириш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни таъминлаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда олий таълимнинг аҳамияти, юксак маънавиятли шахсни тарбиялашга глобаллашув жараёнларининг таъсири, баркамол авлодни тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни каби мавзулардаги маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

**МАЛАЙЗИЯДА
ЎЗБЕК
САНЪАТИ
НАМОЙИШИ**

Малайзиялик санъат шайдолари яна бир бор бетакрор ўзбек маданияти билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Ушбу мамлакатта XIII "Малай ороллари" халқаро фестивалида иштирок этиш учун келган "Сурхон" фольклор-эстрада гуруҳи ва "Сирдарё наволари" рақс дастаси Куала-Лампур шаҳрида катта концерт дастурини намойиш этди.

Ўзбек санъаткорларининг икки соатдан ошқ давом этган чиқишлари малайзиялик санъат ихлосмандлари орасида катта қизиқиш уйғотди. Концертдан сўнг уларнинг кўпчилиги "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан ўз таассуротларини ўртоқлашди.

Хусусан, Малайзиянинг собиқ туризм ишлари вазири Абдул Кодир Шайх Фозил "Санъаткорларнинг ижролари ўзбек замини Марказий Осиёда истиқомат қиладиган барча халқлар миллий маданиятларини ўзига сингирган истеъодларга бойлигини яна бир бор исботлади", деди.

— Санъат ва маданият доимо халқларни бирлаштириб келган ва шундай бўлиб қолади, — деди Осиё стратегия ва раҳбарлик институти директори ўринбосари Макс Сей. — Янги авлодга мансуб ижролар ва томошабинларнинг учрашуви ҳамisha қизиқарли кечади, чунки бу дўстона ва самимий мулоқот учун туганмас илҳом манбаидир.

Малайзия тадбиркор аёллар халқаро уюшмаси президенти Норазиза Борхан хоним ўз ҳиссиётларини ифодалар экан, жумладан шундай деди:

— Малайзиялик томошабинлар ўзбек санъаткорларининг ўзига хос ижодий намуналаридан баҳра олишдек имкониятга эга бўлишди. Ижролар шу қадар жонли ва жозибали амалга оширилдики, гуё томошабинлар халқингиз тилини бемалол тушунгандек бўлди. Бу ахир илгаридан ҳам маълум: куй ва рақсини тушуниш учун таржимоннинг хожати йўқ.

**«Жаҳон» АА,
Куала-Лумпур**



9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ХОТИРЛАШ — МУҚАДДАС ТҲҲҲ

Хотира ва қадрлаш куни олдидан жойларда ўтганларни хотирлаш, фахрийларни қадрлашга бағишланган кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани ва Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳокимликлари ташаббуси билан «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ташаббуси билан Қатагон қурбонлари хотираси музейида «Хотира боқийдир, қадр муқаддас» мавзусида уч авлод учрашуви ўтказилди.

Халқимиз, айниқса ёшларимиз онгу шурида ўтганларни ёд этиш, кесаларни қадрлашдек инсоний фазилатларни тобора мустаҳкамлаш, тинч ва осойишталикни қадрга етишдек ниятларни кўзлаб ҳолда ташкил этилган тадбирда Юнусобод ва Хатирчи туманларининг уруш

ва меҳнат фахрийлари, спорт ва фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаган ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда бугунги ёрқин кунларимиз йўлида жонини фидо этган минг-минглаб юртдошларимизни хотирлаш, ҳаётимиз файзу таровати бўлмиш кесаларимиз ҳурмат-иззатини жойига қўйиш қадрларимизнинг ўзаги эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Учрашув доирасида пойтахтимиз меҳмонлари ва туман фаоллари Муштақиллик майдони ва Ҳазрати Имом мажмуасига таширф буюришди.

**(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: уч авлод
учрашувида лавҳалар.
Козим Улмасов олган суратлар**

Мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, барча соҳалардаги ривожланишлар мактабгача таълим муассасаларида ҳам туб ўзгаришлар жорий этилишини тақозо этмоқда. Мактабгача таълим муассасаларида яратилган муҳит таълим-тарбияга оид вазифаларнинг ҳамда «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури сифатли, узлуксиз, изчил, болаларга хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилишига хизмат қилиши лозим. Ривожлантирувчи муҳит боланинг бошланғич ташаббускорлигини ўстириш, билимини амалда қўллашга фойдаланаркан қишлоқдаги асосий воситадир.

Бола амал қиладиган воситали муҳит ундаги билим ва кўникмани амалиётда қўллаш учун битмас-туганмас ахборот манбаи бўлиши, бола эҳтиёжини қондирувчи, янгиликка ундовчи, ундаги малакани такомиллаштирувчи манбага айланиши зарур.

Боланинг мунтазам тарзда фойдали ва қизиқарли машғулот билан банд бўлишини таъминлайдиган муҳитни яратиш учун жамоадан юксак ижодкорлик талаб этилади.

Мактабгача ёшдаги боланинг тўлақонли ривожланишида воситали ўйин ҳамда катталарнинг болалар билан мазмунли мулоқоти муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Воситали ўйин мактабгача ёшдаги болани жисмонан ва маънан ривожлантириш мазмунини моделлаштириш вазифасини бажарувчи атроф-муҳитдаги нарсалар тизимидир.

**ТАЪЛИМ
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛИДА**

Бола ривожланишининг воситали муҳити шахсининг тўлақонли ривожланишини таъминловчи яхлит бир тизим бўлиб, унда бола ҳозирги замон талаблари даражасида жисмоний, эстетик, ақлий, ижтимоий тарзда тўлиқ шаклланади.

Президентимиз 2010 йили Баркамол авлод йили деб эълон қилдилар. Шу муносабат билан 47-«Ширинтой» мактабгача таълим муассасаси жамоаси ҳам ўз зиммасига қатор янги вазифаларни олди. Жумладан, ушбу му-

ассасада тарбияланувчиларини ҳар томонлама мактаб таълимига тайёрлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш бугунги кундаги энг долзарб вазифадир. Шундай экан, таълим жараёнини сифат жиҳатидан юксалтириш, унинг мазмунини бойитиш, самарадорлигини ошириш, бугунги кун талабига мос ва хос келажак авлодни тарбиялаб, кейинги босқичда ҳеч бир муаммосиз таълим олишни давом эттира олиши учун мактабгача таълим муассасасида

энг замонавий услублардан фойдаланишимиз зарур. Бу борада мен ҳам айрим илк тажрибага қўл урдим. «Ширинтой»да болалар билан иқтидори, қизиқиши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яқка ҳолда ишлаб, яратилган биринчи мультимедия махсулоти фарзандларимизда ранг, шакл, катталиқ, сонсанок, вақтга оид тушунчаларни шакллантириб, мустаҳкамлаш, нутқ, тафаккурни ўстириш, табиатга оид тасаввурни кенгайтириш, касбга йўналтириш, қолаверса, физика, химия, ботаника, зоология, астрономия, анатомия, тиббиётга оид илк сабоқ беришга қаратилган қисқа муддат (3-5 дақиқа)ли машқларни жорий этишга ҳаракат қилаялман. Бу йўналиш болаларни фойдалантиради. Албатта, бир вақтнинг ичида кўп сонли болалар билан бундай йўналишни олиб боришнинг имкони ҳозирча йўқ. Лекин ишонамизки, ҳомий ташкилотлар, оналар, маҳалла фаоллари шундай муҳит яратилишига ҳисса қўшадилар.

**Зухра ФАЙЗИЕВА,
Ўзбекистон Халқ
таълими аълочиси.**

Фармон ва ижро

АТРОФ-МУҲИТ ВА САЛОМАТЛИК

Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида аҳоли соғлигини сақлашнинг гигиеник муаммолари ва уларнинг ечимига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда соҳа олимлари, мутахассислар, шифокорлар ва жойлардаги санитария-эпидемиология назорати марказлари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар экология ва санитария-эпидемиология вазиятини барқарорлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тиббий хизмат сифатини янада оширишга хизмат қиладигани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани натижасида юртимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ўзайиб, оналар ва болалар ўлими кескин камаймоқда.

Олим ва мутахассисларимиз аҳоли саломатлигига таъсир этувчи физикавий, кимёвий ва биологик факторларни аниқлаш усулларини такомиллаштириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилишнинг янги технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Анжуманда иқлим ўзгаришининг инсон саломатлигига таъсири, юқумли касалликларга қарши олиб борилаётган профилактика тадбирлари, санитария назоратининг бугунги ҳолати ва истиқболлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири**

Таълим

**УСТОЗ ВА ТАЛАБАЛАР
ИЖОДИЙ МУЛОҚОТИ**

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси томонидан профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг шарқ халқлари адабиёти намояндалари ижодидан қилган таржималари муҳокамасига бағишланган «Устоз ва талабаларнинг ижодий мулоқоти» мавзусида адабий-маданий тадбир ўтказилди.

Тадбирда институт қошидаги академик лицей ўқитувчилари ҳам араб, ҳинд, форс, хитой, корей, турк, япон шеърини намуналаридан таржималари билан қатнашди.

Мулоқот якунида «Энг яхши шеър муаллифи», «Энг яхши таржима муаллифи» танловлари ўтказилди ва ўз йўналиши бўйича иқтидорли деб топилган талабалар рағбатлантирилди.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кўп тармоқли Агрисаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Оққўрғон тумани СИБ томонидан қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 24.09.2009 йилдаги № 1-219-сон ижро варақасига асосан Оққўрғон тумани ИИБАМТОФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган 1988 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. Х 084 АЕН бўлган «Daimler Benz 230» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 10 214 236 сўм. 2. 24.08.2009 йилдаги № 681-сон ижро варақасига асосан 1982 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. Н 158 КМ36 бўлган «Opel Kadet» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 3 560 525 сўм. 3. 24.10.2009 йилдаги ижро варақасига асосан 1996 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. Х028СЕН бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 2 086 290 сўм. 4. 22.09.2009 йилдаги № 760-сон ижро варақасига асосан ишлаб чиқ. йили номаълум дав.бел. Х 021 WYM бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 2 975 837 сўм. 5. 16.02.2009 йилдаги ижро варақасига асосан 1992 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. Х 847 NDM бўлган «Audi B4» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 10 858 860 сўм. 6. 24.08.2009 йилдаги ижро варақасига асосан 1995 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. Х 342 РТМ бўлган «Daewoo Slolo» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 6 833 864 сўм. 7. 24.08.2009 йилдаги № 577-сон ижро варақасига асосан 1996 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. Х 918UMM бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 5 314 446 сўм. 8. 03.09.2009 йилдаги № 738-сон ижро варақасига асосан 1997 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. Х 402 NON бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 5 619 175 сўм. 9. 24.08.2009 йилдаги № 685-сон ижро варақасига асосан 1993 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. А 962 ТЗМ бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 4 449 360 сўм. 10. 24.08.2009 йилдаги № 684-сон ижро варақасига асосан йилда ишлаб чиқ. номаълум дав.бел. номаълум бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 5 328 722 сўм. 1. Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан МЧЖ «Кўктерак малубот инвест» оморхонасида сақланаётган қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 12.03.2010 йилдаги № 5-166-сон ижро варақасига асосан 1974 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 11 U 08-03 бўлган «Газ-24» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 910 000 сўм. 2. 05.04.2010 йилдаги № 939-сон ижро варақасига асосан ишлаб чиқ. номаълум дав.бел. номаълум бўлган «Уаз-469» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 808 0196 сўм. 3. 19.04.2010 йилдаги № 2289-сон ижро ҳужжатига

асосан ишлаб чиқ. номаълум дав.бел. номаълум бўлган «Уаз-469» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 286 089 сўм. 4. 04.11.2009 йилдаги № 1-362-сон ижро варақасига асосан 1990 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. Х 269 ASN бўлган «КАМАЗ 5410» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 28 812 499 сўм. 5. 02.04.2010 йилдаги № 928-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Шамсиддин Раҳмон Бизнес» оморхонасида сақланаётган 1993 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. S 466 EFM бўлган «Давео-Эсперо» русумли автотранспорт воситаси: бошланғич нархи — 6 299 906 сўм. 1. Аукцион савдосига Яққасарой тумани СИБ томонидан 27.08.2009 йилдаги № 1-673-сон ижро варақасига асосан Себзор жарима майдончасида сақланаётган 2009 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. О 1 С 405 ВА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт қўйилмоқда, бошланғич нархи — 12 000 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 17.03.2010 йилдаги № 10-0909/1614-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «O'ZAVTOSHINA» корхонасига тегишли бўлган майдони 1905 кв.м.дан иборат бўлган Тошкент шаҳар Сергели тумани, С.Олимова кўчасида жойлашган оморхона биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 125 000 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Ҳамза тумани тумани СИБ томонидан 11.11.2009 йилдаги № 1-741/09-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Шарқий Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган 2007 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. О 1 Г795СА бўлган «Нексия Сонс» русумли автотранспорт қўйилмоқда, бошланғич нархи — 13 500 000 сўм. 2. Ҳамза тумани СИБ томонидан 11.11.2009 йилдаги № 1-741/09-сон ижро варақасига асосан Чилонзор 10-сонли жарима майдончасида сақланаётган 2006 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел.гисиз бўлган «Нексия Донс» русумли автотранспорт қўйилмоқда, бошланғич нархи — 11 500 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 22.12.2009 йилдаги № 4728/09-сон ижро варақасига асосан Учтепа тумани ИИБ ЙХХБ га қарашли 2-сонли жарима майдончасида сақланаётган қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 22.12.2009 йилдаги № 4728/09-сон ижро варақасига асосан 2008 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел.гисси 01U757 АА бўлган «Хундай Аванте» русумли автотранспорт, бошланғич нархи — 38 500 000 сўм. 2. 22.12.2009 йилдаги № 4728/09-сон ижро варақасига асосан 2006 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел.гисси

30 Т 7272 бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт, бошланғич нархи — 16 885 000 сўм. 3. 22.12.2009 йилдаги № 4728/09-сон ижро варақасига асосан 2008 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел.гисси 10 N 7707 бўлган «Шевролет Эника» русумли автотранспорт, бошланғич нархи — 29 824 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 26.02.2010 йилдаги № 10-1007/286-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Пахтакор кўчаси 5-ўйда сақланаётган 1996 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 10 АА 101 бўлган «Газел 330210» русумли автотранспорт қўйилмоқда, бошланғич нархи — 13 499 000 сўм. **Тузатиш:** «Тошкент оқшом» газетасининг 2010 йил 27 апрелдаги № 80-сонда эълонга берилган Бектемир тумани СИБ ўрнига Сергели тумани СИБ деб ўқилсин. 2010 йилдаги 14 майга такрорий аукцион савдосига қўйилган давлат рақами 11 Р 6420 бўлган ВА3-2107 русумли автотранспорт воситаси аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз. Ассос: Янгийул тумани СИБнинг 2010 йил 16 апрелдаги № СИ-1 сон хати. Аукцион савдолари 2010 йилнинг 3 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчаси маълум 2010 йил 3 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчаси маълуми сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 22 июнь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимовиди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. **Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. **Телефонлар:** 249-54-59, 249-53-61. **Лицензия:** ДВ 001 №000003

Ташкилот фаолияти оммавий ватанпарварлик ишларини амалга ошириш, Куролли Кучлар учун ҳарбий техник ҳамда оммавий касбдаги мутахассислар етказиб бериш, ёшларни меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлаш, спортнинг техник ва ҳарбий амалий турларини ривожлантиришга қаратилган. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактаби Куролли Кучларга чақирилувчиларни ҳарбий техник мутахассисликка тайёрлайди.

Мазкур мактабга Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига асосан чақирилувчилар ҳарбий техник мутахассисликлар бўйича шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ, ИИБ билан биргаликда тавсия этилаётган синовлардан ўтган ёшлар қабул қилинади. Ўқиш икки мавсумда ташкил этилади. Баҳорги 2009-2010 ўқув йилида 250 нафар чақирилувчи ҳайдовчи-электромоторист, кран-

«Ватанпарвар» тузилмаларида

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ БИЛИМ МАСКАНИ

«Ватанпарвар» ташкилоти мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ўз ўрнига эга.

чи, «ВС» тоифали ҳайдовчиликка тайёрланди.

Ёшларни замонавий автотехника билан яқиндан таништириш мақсадида мактабнинг моддий-техник негизи юртимизда ишлаб чиқарилган янги автомобиллар билан бойитилган.

Намунавий ўқув муассасаси даражасига етказиш, курсантлар учун шарт-шароитларни янада кенгайтириш учун яқинда Маънавият-маърифат маркази ташкил

этилди ва бу ерда кутубхона, мажлислар зали ва Шонли Ватан тарихи музейи жойлаштирилди. Музей экспозицияси 12 мавзудаги тўртта бўлимдан иборат бўлиб, давлатчилигимиз тарихи, давлат арбобларига оид маълумотлар, «Ватанпарвар» ташкилоти фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар, 100 га яқин адабиётлар жамланган. Компьютер хонаси 20 та янги техника билан таъминланди.

Курсантларни замонавий техно-

логияларга ўргатиш, билимини ошириш, ўқув жараёнида сифатга эришиш учун ўқув хоналари тегишли равишда жиҳозланган. Ҳарбий мутахассислик дарсларини малакали ўқитувчи ва амалий бошқарув усталари олиб боради.

Бирлашган техника мактабида Баркамол авлод йилида ўқ отиш, ёзги биатлон, автомобиль, картинг, радиоалоқа секциялари фаолияти янада фаоллашди. Мактаб картингисти Ж. Мирҳосилов картинг бўйича уч марта республика, бир неча марта шаҳар чемпиони бўлган. Бу эса ушбу масканда ўз касбининг жонқуярлари меҳнат қилаётганининг натижасидир. Мактаб курсантлари ҳар йили Чирчиқ шаҳрида жойлашган дала машқ майдонида ҳарбий ўқ отиш кўпкурашида иштирок этиб, яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Бундан ташқари, ўқув гуруҳлари ўртасида ҳарбий кўпкураш, ҳарбий автомобилларни фигурали ҳайдаш машғулоти ҳам мунтазам ўтказиб келинади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Спорт янгилклари

ОСИЁ ПОЛВОНЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида ўсмирлар ўртасида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Осиё саралаш мусобақаси ўтказилди.

Турнир Халқаро спорт курашлари федерацияси – ФИЛА кўмагида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз спорт курашлари ассоциацияси томонидан ташкил этилди.

30 апрель куни Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида бошланғич мусобақада қитъамизнинг йигирмага яқин, жумладан, Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Ироқ, Эрон, Қозоғистон, Мўғулистон, Покистон, Қатар, Сингапур, Вьетнам, Туркменистон, Таиланд, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатларидан икки юз нафардан зиёд спортчи жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда бўладиган ўсмирлар ўртасидаги I Олимпия ўйинларига йўлланмалар учун курашади.

Маросимда давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнаомлигида юртимизда аҳолини, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмонан камол топиши учун барча шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистонда барча спорт тadbирлари юксак савияда ташкил этилишига кўп бор гувоҳ бўлганман, — дейди Халқаро спорт курашлари федерацияси – ФИЛА президенти Рафаэль Мартинетти. — Осиёнинг кўплаб истеъдодли курашчиларини жамлаган бу галги мусобақа ҳам ана шундай нуфузли турнирлардан биридир.

Эркин ва юнон-рум кураши юртимизда кенг оммалашган спорт турларидан. Ўзбекистонлик полвонлар Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида доим совринли ўринларни эгаллайди. Мамлакатимиз эркин ва юнон-рум курашчилари спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – Олимпиядада ўчтадан олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлган. Бундан ташқари, мамлакатимизда 1997 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинадиган «Гран-при» туркумига киритилган «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» дунёнинг энг нуфузли халқаро турнирларидан бири сифатида эътироф этилган.

Осиё саралаш мусобақасида ўн тўрт нафар курашчимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

ЗОҲИДЖОН ЧОРАК ФИНАЛДА

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида бокс бўйича 1992-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида Сингапур Олимпиадаси йўлланмаси учун курашаётган кучли боксчилар сараланмоқда.

48 килограмм вазн тоифасида рингга чиқаётган ҳамюртимиз Зоҳиджон Хурбоев кетмакет учинчи учрашувни ўз фойдасига ҳал қилди. Чорак финал йўлланмаси учун ўтказилган жангда польшаллик Давид Себастьян Ягодзинскини 10:2 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртимиз кейинги босқичда марокашлик Муҳаммад Хаммоуд билан рақобатлашади.

Шунингдек, Осиё чемпиони Аҳмад Мамажонов ярим финал йўлланмаси учун ўтказилаётган баҳсда қозоғистонлик Жонибек Олимхон ўғлига қарши рингга чиқса, Сардорбек Беғалиев ҳиндистонлик Сумит Сангван билан куч синашади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, Ўза мухбири



Кураш

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган 400 нафар спортчи ўртасида турли вазнлар доирасида уюштирилган баҳслар мurosасис эчди. Мамлакат чемпионлиги ўса мусобақада пухта тайёргарлик кўрган 60 килограммга ваъда ҳамшаҳримиз Уктам Эргашевга, шунингдек турли вазн тоифаларида самарқандлик Сухроб Худойбердиев, бухоролик Фаёз Файзуллаевга насиб

Бухорода кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

эти. Яхё Имомов, Шерали Жўраев, Бахтиёр Менглиқолов каби тошкентлик спортчилар ҳам голиблар сафини босқарди.

Қизлар баҳсида ҳам ўз вазн тоифаларида пойтахтлик Муқаддам Кубилева, бухоролик Шахло Турсунова, самарқан-

длик Нодира Гуловага тенг келадиган рақиблар топилмади.

Ўзбекистон чемпиони номи кўлга киритган ушбу полвонлар энди халқаро турнирларда мамлакатимиз терма жамоаси сафида юртимиз шарафини ҳимоя қилади. (Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига такроран Юнусобод тумани СИБ томонидан, Ўзбекистон Республикаси МХХ автотранспорт воситаларини саклаш оиборхонасида сакланган кўйилдаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда. 1. «МАЗ-3544008-060-030» русумли, д/р М8759 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси ва «МАЗ-975800» русумли, д/р 10G665 бўлган, 2008 йилда и/ч ярим тиркама (ижро ҳужжати 24.11.09й, №20737). Бошланғич баҳоси – 109 586 330 сўм. 2. «МАЗ-3544008-060-030» русумли, д/р М8367 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси ва «МАЗ-975800» русумли, д/р 10G666 бўлган, 2008 йилда и/ч ярим тиркама (ижро ҳужжати 24.11.09й, №20737). Бошланғич баҳоси – 109 588 025 сўм. 3. «Эпика» русумли, д/р М2850 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.11.09й, №20737). Бошланғич баҳоси – 38 108 748 сўм. 4. «HOVERGUV» русумли, д/р М3101 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.11.09й, №20737). Бошланғич баҳоси – 34 892 674 сўм. 5. «Мидибус SAZNP21» русумли, д/р М9037 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.11.09й, №20737). Бошланғич баҳоси – 47 309 389 сўм. 6. «Тойота Камри» русумли, д/р М1100 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.11.09й, №20737). Бошланғич баҳоси – 64 186 950 сўм. 7. «Москвич-412» русумли, д/р 10J6618 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 20.04.09й, №2-41-09). Бошланғич баҳоси – 460 000 сўм. 8. «Мерседес Бенц S-350» русумли, д/р йўқ, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 20.04.09й, №6808). Бошланғич баҳоси – 39 920 174 сўм. 9. «Мерседес Бенц-190 S» русумли, д/р 01U770AA бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 03.08.09й, №13025-26). Бошланғич баҳоси – 14 091 730 сўм. 10. «БМВ-318» русумли, д/р 11Z3081 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 03.08.09й, №13024). Бошланғич баҳоси – 7 018 721 сўм. 11. «Ауди-А 6» русумли, д/р 30T9611 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 06.07.09й, №11906). Бошланғич баҳоси – 30 000 000 сўм. 12. «Мерседес Бенц» русумли, д/р Т 4843 бўлган, йили номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 06.07.09й, №11906). Бошланғич баҳоси – 10 000 000 сўм. 13. «Ауди» русумли, д/р 30B0466 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 06.07.09й, №11906). Бошланғич баҳоси – 13 000 000 сўм. 14. «Опель Вектра» русумли, д/р йўқ, и/ч номаълум автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 27.11.08й, №21698). Бошланғич баҳоси – 7 000 000 сўм. 15. «Хонда Цивик» русумли, д/р 30S1940 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 02.02.08й, №2809). Бошланғич баҳоси – 5 937 855 сўм. 16. Нексия» русумли, д/р 30X2064 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 29.04.09й, №7417). Бошланғич баҳоси – 16 185 236 сўм. 17. «Toyota-Lexus LX-470» русумли, д/р 30K3535 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 02.02.09й, №27811). Бошланғич баҳоси –

100 000 000 сўм. 18. «Нексия» русумли, д/р 30A1181 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 04.05.09й, №7491). Бошланғич баҳоси – 11 422 025 сўм. 19. «БМВ-316» русумли, д/р 30Z6479 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 07.05.09й, №7731). Бошланғич баҳоси – 20 339 890,40 сўм. 20. «Нексия» русумли, д/р 30S6979 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 07.05.09й, №7731). Бошланғич баҳоси – 19 000 000 сўм. 21. «Тико» русумли, д/р 10X2330 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.05.09й, №9163). Бошланғич баҳоси – 6 883 008 сўм. 22. «БМВ-520» русумли, д/р Х829SPM бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 04.05.09й, №7490). Бошланғич баҳоси – 13 831 075,20 сўм. 23. «Леганзе» русумли, д/р 20J6488 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 02.02.09й, №2808). Бошланғич баҳоси – 15 025 114 сўм. 24. «Мерседес Бенц 200» русумли, д/р 10Y3939 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 14.11.09й, №ЖСК-1-616/2007). Бошланғич баҳоси – 27 000 000 сўм. 25. «ОДА3-8380» русумли, 1983 йилда и/ч тиркама (ижро ҳужжати 22.02.08й, №ЖСК-6/08). Бошланғич баҳоси – 1 500 000 сўм. 26. «Daimler Chrysler» русумли, д/р 30A7293 бўлган, 1996 йилда и/ч, «Мирсаманд сервис» автостанциясида сакланган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 05.03.08й, №4680). Бошланғич баҳоси – 35 000 000 сўм.

27. Аукцион савдосига «Ўзбекишлоқмашсавдо»МЧЖга тегишли Тошкент в, Чиноз тумани, Олмазор кўрғони, Самарқанд кўчасида жойлашган, умумий майдони 61 551,0 кв.м. бўлган, База бино-иншоотлари кўйилмоқда (ижро ҳужжати 18.05.09й, №9337/13). Бошланғич баҳоси – 920 700 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 18 май куни соат 11:00да бўлиб ўтади

Савдога кўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг ваҳили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИБ «Илак йўли банки» Сағбон ф-даги кўйилмади ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т.1-Коррақамш кўчаси, 1-А-й. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Диккат! Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг худудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади. Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига кўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.

2010 йил — Баркамол авлод йили

БАҲОРОЙ САЙИЛЛАРИ

Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Халқ таълими бош бошқармаси томонидан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси шаҳар таянч маскани билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбир бир вақтнинг ўзида барча маданият ва истироҳат боғларидаги бошланиб, аттракционлар болажонлар учун бепул хизмат қилди. Байрамона тус олган истироҳат боғларидаги сайилларда ҳар бир тумандан бештадан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилар ота-оналари билан иштирок этди. Сайиллар доирасида болажонлар томонидан интеллектуал, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етиши учун шундай тадбирлар муҳим аҳамият касб этади, — деди «Соғлом авлод учун» халқаро

танлов бўлиб ўтди. Тадбир давомида мактабдан ташқари муассасалар бадий жамоалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари ва сахна томошалари болажонлар қалбига бир олам кувонч бахш этди. Асфальтга расм чизиш бўйича Мирзо Улуғбек туманидаги 426-й, Чилонзор туманидаги 256-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари бор маҳоратларини намойиш этиб, энг иқтидорли болажонлар гуруҳлари деб топилди. Тадбир якунида барча иштирокчилар совғалар билан тақдирланди. — Фарзандларимизни интеллектуал, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етиши учун шундай тадбирлар муҳим аҳамият касб этади, — деди «Соғлом авлод учун» халқаро

хайрия жамғармаси шаҳар таянч маскани раҳбари Маҳбуба Маҳкамбоева. — Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишларига жалб этиш, санъат бўлган қизиқишини янада ошириш, кўлда ишланган амалий ишлари орқали меҳрибонлик, самимилик, дўстлик, биродарлик каби фазилатларни камол топтириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Маданият ва истироҳат боғларида бўлиб ўтган «Баҳорой сайиллари»да болажонлар фаол иштирок этиб, дилдан кувнаб яйрашди. Ирода ЖўРАЕВА, ЎзДЖТУ талабаси СУРАТДА: Баҳорой сайилларидан лавҳа

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3886 нускада босилади.
Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
123 5